O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Qo'shrabot tumani
HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Қўшработ тумани
ҲОКИМИ

# QARORI

2011 yil «20» апрель №173-қ

**Ҳаммом биноси қурилиши тўғрисида**

Қўшработ шахарчаси ахолисининг талаб ва истакларини ҳамда фуқаро Ўринбоев Аллаёрнинг аризасини инобатга олиб Қўшработ шахарчаси марказида жойлашган эски ҳаммом биносини қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Қўшработ шахарчаси марказида жойлашган эски ҳаммом биносини замон талабларига жавоб берадиган наъмунавий лойиҳа асосида қайта таъмирлашга рухсат этилсин.

2.Таъмирланиши режалаштирилган ҳаммом биносини замон талабларига мос ҳолда қайта иқтисослаштириш ва реконструкция қилиш ҳамда атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси лойихалари асосида амалга ошириш тадбиркор Ўринбоев Аллаёр зиммасига юклатилсин.

3.Наъмунавий таклиф лойихалари билан таъминлаш ва қурилиш ишларини назорат қилиб бориш туман бош архитектори М.Раймовга топширилсин

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Қаҳҳаров зиммасига юклатилсин

Туман ҳокими Т.Астанов

10